

ЯНГИ ТОШКЕНТ БУНЁДКОРЛАРИ

*Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Чизматасвир кафедраси ўқитувчиси
Каримов Сардор Соибжон ўғли*

Аннотация. Мақолада юртимизда бадиий таълим тизимида талабаларга “Рангтасвир” фанини ўқитишда замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари услубларининг кенг қўламлиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати, образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик, декоратив ёндашдаги изланишлар каби бир қатор вазифаларни белгилаш ва бунинг натижасида талабалар келажакда ўз ёллари топиб, етук рассом бўлиб шаклланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлар: рангтасвир, услуб, образ, колорит, композиция, авангардлик, конструкциялаш, реалистик анъана, гризайл, пластик, стилистик.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда архитектура ва шаҳарсозликка катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Тошкент шаҳри ва вилоят шаҳарларида нечоғлик чиройли, кўркем ва мустаҳкам бинолар қад ростлагани орқали билиб олиш қийин эмас. Охирги беш йил ичида мамлакат ривожини шу қадар олдинлаб бораётгани, буни нафақат шаҳарларда, балки вилоят туманларида қурилаётган замонавий ховли – уйлардан ҳам билиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки нафақат турар жой бинолари, спорт, санъат ва маданият мажмуаларини ҳам қуришда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бундай гўзал шаҳар қиёфаси эса ўз навбатида тасвирий санъатга ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллий тасвирий санъатни тараққийга замин яратди. Бу даврда тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика турлари, унинг кўпгина жанрлари рассом ва ҳайкалтарошларнинг эркин ижодий фаолиятлари кенг тус олди. Мустақилликдан олдин ижодкорлар ягона социалистик реализм оқимида ижод қилган бўлсалар, ҳозир улар ҳам иккиланмасдан ўзларини қизиқтириётган авангардизм, романтизм, импрессионизм, абстракционизм ва бошқа қатор оқимларда ва мавзуларда юксак бадиий савияда асарлар яратмоқдалар. Мустақиллик йилларида ижод қилаётган ижодкорларнинг ютуқлари шундаки, улар биринчидан эркин ижод йўлига ўтганликлари бўлса, иккинчи ютуқлари уларнинг шу мустақил юртда ижод қилаётганликларидир.

Мамлакатимизда тасвирий санъатнинг тараққийга Ўзбекистон бадиий Академиясини ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур

Академия қошида Комолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизаайн институти, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, кўплаб рассомчилик, дизайн коллежлари, — “Санъат” журнали фаолият кўрсатмоқда. Миллий рассомчилик ва дизайн институтида, тасвийй санъат йўналишлардаги коллежларда жaxon стандартларига мос келадиган миллий кадрлар этишиб чиқмоқда ва улар Ўзбекистон санъатини янги босқичига олиб чиқиши шубҳасиздир.

Аслида тасвирий санъатда рангтасвирининг маҳобатли тури бевосита бино билан боғлиқдир. Бу соҳа тасвирий санъат турлари ичида энг мураккаби ва шу билан бир қаторда энг қизиқарлиси ҳамдир. Мутахасислар маҳобатли асарларни яратишда бинонинг ташқи ва ички кўринишини, табиат ва атроф-муҳитни инобатга оладилар. Агарда бинолар қурилишида маҳобатли рангтасвир мутахасисларининг ҳам фикри инобатга олинса ва уларнинг иштироки таъминланса қурилатган бино ҳар томонлама мукамал, киши баҳри -дилини очадиган энг муҳими эстетик талабларга жавоб бера оладиган даражага етар эди. Қурилиш лойиҳаси навис санъат билан уйғунлаштирилган ҳолда қуриб битказилган бинолар кишида қандай гўзал таасурот қолдиради.

Ўзбекистонга охириги беш-олти йил олдин келган меҳмон ҳозир ундаги ўзгаришлардан ақли шошар даражада лол бўлиб қолиши аниқ. Чунки биргина пойтахт Тошкентнинг ўзидагина бўлган ўзгаришларни санаб-саноғига етолмайсан киши. Гўзал Тошкентнинг кўркига- кўрк бағишлаётган янги парпо бўлган осмонупар бинолар тобора кўпайиб бормоқда. Бу эса юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Янги барпо қилинган истироҳат боғлари, кутубхоналар, маданият марказлари эса бугунги кунда ёшу- қарини бирдек хурсанд қилиб келмоқда. Бу ўзгаришлар ўз ўзидан эмас албатта; бунинг замирида қанчадан- қанча инсонларнинг меҳнати ётади. Тараққий этиб келатган мустақил Ўзбекистонимизнинг бу каби тараққиётига ҳар ким ўзининг қўлидан келганича хиссасини қўшишни истайди албатта. Янги Тошкент қиёфасини тарихчилар ёзма равшда, шоирлар ўз шеърый мисралари орқали, спортчилар ўз ютуқлари билан ватанимиз шон -шухратини, биз каби рассомлар эса мўйқалаб орқали бу каби ўзгаришларни тарих зарварақларида муҳрлаб қолдириришга ҳаракат қиламиз.

Биргина пойтахтимиз марказида қад ростлаган “Тошкент CITY”ни оладиган бўлсак, ўта маҳорат билан, пухта уйланган режа асосида қўрилатган бу кўп қаватли турар жой мажмуаси аҳоли учун кўтилмаган совға бўлди. У ўз таркибида осмонупар машҳур “HILTON” меҳмонхонасини олган. Меҳмонхона ташқи кўриниши жиҳатидан чет элдаги мана- ман деган бинолар билан ҳам эстетик ва этек томонлама рақобатлаша олади. Бундан ташқари Тошкентнинг қайси даҳасига қараманг, у ерда қўрилатган замонавий биноларга кўзингиз

тушади. Унинг қўрилишида совукни совук, иссиқни иссиқ демасдан жавлон уриб ишлаётган қўрувчиларнинг меҳнатини кўриб лол қоласиз. Бу каби манзараларни кўзатар экансиз дилингизда бир савол тўғилади. Мен ватаним, гўзал Тошкентим учун нима қилдим?... Ўзбекистонда туғилган инсонлар бахтли. Негаки, ўлкамиз тўрт фаслда турлича безанади. Рангларнинг турфалиги инсонни яна ва яна ижод қилишга чорлайди. Хар бир инсон ўз касбига доир билими орқали ватанига заррача бўлса ҳам фойдаси текса, билингки у омадлидир.

Ижодкорларни ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантириш, истеъдодли ёшларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, рассомлик ва дизайн санъати соҳасида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, халқимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги бадиий меросини асраш ва кейинги авлодларга етказиш, юртдошларимизнинг тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги эстетик эҳтиёж ва талабларини қаноатлантиришда санъатга доир ижро ҳужжатлар кенг имкониятлар яратиб беради.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш масаласи мустақил республикамиз олдида турган масалалардан биридир. Бу ҳақда Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдирган: «Фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллайдиган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳамиша долзарб масала ҳисобланади»¹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишида ижобий натижалар бермоқда.⁴ Республика Олий Мажлиси томонидан 1997-йил “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, унда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу тизимни дунёнинг илғор демократик давлатлари даражасига ва ёш кадрларни юксак маънавий, ахлоқий руҳда чуқур билим эгаси қилиб тарбиялаш мақсади қўйилган. Жаҳон маданияти тараққиёти тарихидан шу нарса маълумки, санъат миллий чегараларни тан олмайди, унинг ютуқлари пировардида бутун инсоният йиғилади.

Бошқа санъат турлари каби тасвирий санъатга ҳам эътиборнинг кучлилиги, Ўзбекистонда санъат йўналишларининг янада ривожланишига

¹ Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи Тошкент 2016 йил. 14 -бет

замин яратмоқда. Ўзбекистонда рангтасвир санъати ўз тарақиётининг янги босқичига кўтарилмоқда ва иқтидорли ёш рассомлар этишиб чиқмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, юртимиз кундан- кунга кўркамлашиб бормоқда. Бу гўзаллик қаршисида мен бош эгаман. Шунинг учун ҳам ижодкор сифатида янги Тошкент қиёфасини ҳар томондан томоша қиламан ва унинг бетакрор гўзаллигидан завқ оламан. Бу манзара ичра танҳоликда ёлғиз қолишга ҳаракат қиламан. Бу гўзаллик завқини ҳеч қаердан олтинларга- да сотиб олишнинг иложи йўқ. Бундай гўзаллик латофат ва нафосатини фақатгина Ўзбекистонда топиш мумкин. Назаримда, туйғуларни жунбушга келтирадиган ушбу онларда яратилган асарлар чинакам ижод намуналари бўлади.

Президентимиз ташаббусилари билан жаҳон стандартлари ҳамда миллий архитектура асосида қурилаётган замонавий бинолар, жумладан: спорт мажмуалари, санъат ва маданият саройлари, ўқув муассасалари, савдо марказларига мос ҳолда уларни ички интерьерлари ва ташқи экстерьерини безашда ёрдам бера оладиган рангтасвир асарлари ҳам яратилса, шахримиз бинолари кўркига- кўрк қўшилиши билан бир қаторда ёш авлодни тасвирий санъатга бўлган қизиқишларининг ортиши, уларни гўзаллик билан ҳамоҳанг равишда ўсишига катта туртки бўлар эди. Зеро, тасвирий санъатнинг янги тошкент гўзаллигини тараннум этишда аҳамияти катта ва беқиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи Тошкент 2016 йил.

2. “Санъат ёшлар нигоҳида” конференция тўплами. Тошкент 2012й.

3Mamatov U.N. STUDY OF THREE PORTRAITS OF THE GREAT POET OF THE MIDDLE AGES, ALISHER NAVOI. — USE: Oscar Publishing Services, 2023. — ISSN – 2771-2141. — P. 15-20

4Kasimov K.S. THE POSITION OF THE ARTIST IN MODERN SOCIETY. — USE: Oscar Publishing Services, 2023. — ISSN – 2771-2141. - P. 10-13

5Allabergenov S.A. The Significance of Colors as an Emotional Factor in the Art of Painting. — USE: AMERICAN Journal of Public Diplomacy and International Studies, 2023. — ISSN (E): 2993-2157 — P. 148-150

6 Mahmudov B.T. Perception of Miniature Works through an Artistic Image. — USE: IJNRAS, 2023. — ISSN: 2751-756X. - P. 179-182

7Mahmudov B.T. THE ARTIST'S PSYCHOLOGICAL PERCEPTION OF COLORS, Innovation and Integrity, 2023. — ISSN: 2792-8268.

8Umirzakov R.R. IMAGINATION ALLOWS A PERSON TO REALIZE MANY PROJECTS. — European Journal of Innovation in Nonformal Education, 2023. — ISSN - 2795-8612 - P. 158-161

9 Xo‘janiyozov R.Q. O‘ZBEKISTON TASVIRIY SAN’ATIDA O‘ROL TANSIQBOYEV IJODI VA FAOLIYATI. – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. – ISSN: 2181-3191 – B. 78-79

10 Vokhidova G.I. Cubism in Fine Arts – Innovation and Integrity, 2023. – ISSN: 2792-8268 – P. 39-40

11 Королькова Е.Ф. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ, СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕКОРАТИВНО-ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023.- ISSN: 2181-3191 –P.107-111

12 Маматов Х.Н. ПОРТРЕТЫ ПОЭТЕССЫ МАХЛАР-АЙИМ НОДИРАБЕГИМ (1792-1842

13 ГГ.), СОЗДАННЫЕ УЗБЕКСКИМИ ХУДОЖНИКАМИ XX ТОГО БЕКА, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. -ISSN: 2181-3191 –P. 254-259

14 Erkabayeva F.A YANGI O‘ZBEKISTON MAHOBATLI RANGTASVIR SAN’ATINING

15 BUGUNGI KUNDAGI TARAQQIYOT YO‘LI, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. -ISSN: 2181-3191 –B. 96-100

16 Xo‘janiyozov R.Q. FINI LINES UZBEKISTON PAINTING ART – Art and design Socil Science, 2022. –ISSN: 2181-2918 – B. 8-11

17 Erkabayeva F.A RAHIM AHMEDOVNING IJODIY YO‘LI VA INSON PARVARLIK G‘OYALARI, –So‘z san’ati, 2022.- ISSN: 2181-9297 –B. 64-68

18 “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига шарҳ

19 Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги олий мажлисга навбатдаги мурожаатномасида сўзлаган нутқи.

20 B.Azimova. Natyurmort tuzi shva tasvirlash metodikasi. - Toshkent: O`qituvchi, 1984.

21 N.Abdullaev. San`at tarixi. 2 qismlik. I – qism. – Toshkent, 1987.